

Зухриддин Исомиддинов

Гоголнинг «Тарас Бульба» (1835) киссасини хамма билади. Бу асар ўнлаб йиллар давомида мактаб дарслик ва мажмуаларидан тушмаган. У хозирга қадар ўзбек тилида, алоҳида китоб ҳолида уч бора, юз мингдан ортиқ нусхада чоп этилган.

Сабаби, аввало ёзувчининг зўр бадиий маҳорати, шунингдек, марказий образ – Тарас Бульбанинг мард, ёвқур, ватани, эътиқоди учун ўлимга ҳам тайёр, қатъий феълли, ёвга нафрати чексиз, соткинлик қилган ўглини ўлдиришдан зарра иккиланмайдиган бир шахс қилиб тасвирланганида. Иззат Султон айтганидай, характер адабий асарда гоёвий ва ҳаётий мазмуннинг шакли бўлса, яъни асар қаҳрамони ёзувчи гоёсини ифода этса, Тарас Бульба образи орқали Гоголь қандай гоёни тақдим этади? Бир қарашда, бу савол ниҳоятда жўн. Зеро Тараснинг мард, қатъий иродали, ватанпарвар бир киши сифатида тасвирлангани ҳаммага маълум-да.

Темир иродали Тарас, унинг мардона ўгли Остап, болалигидан қўнгли бўшроқ ўсган Андрей, «Сечь учун» жонини тиккан азамат казаклар, баҳодирлик замонларини қўмсаб, кексайган чоғида ҳам қўшин сафида юрган машҳур атаманлар, ёввойи демократияга ҳос аскарбоши сайлови, қамалдаги шаҳарнинг очликдан эти суягига ёпишган фуқароси, бепоён қиру ўтлоқлар, партирхал ўтмиш тасвири... Бу қаби ёввойи дилбарликлар, ўша давр ҳаётининг ўзига ҳос романтикаси ўқувчини мафтун этади. Китобхон бош қаҳрамонни, у ҳар қанча қўполу ўжар бўлмасин, ёқтириб қолади. Тарас Бульба – ҳар бир адабиёт муҳибига тирик бир шахс қаби таниш.

Асардаги энг таъсирчан воқеа, албатта, Тарас Бульбанинг ёв томонига ўтиб кетган ўгли Андрейни олиб ўлдириши саҳнасидир. Аммо хоин фарзанднинг бошқа биров эмас, айнан уни дунёга келтирган ота томонидан ўлдирилиши мотиви жаҳон адабиётида Гоголга қадар ҳам бор эди (масалан, француз адаби Проспер Мерименинг «Матео Фальконе» (1829) деган ҳикоясида ўзини қувиб қелаётган полициячилардан яширишни

сўраган кочкинга аввал бошпана бериб, сўнг миршаббоши ваъда килган тилла соат эвазига у яширинган пичан гарамини кўрсатиб, уйларидаги меҳмонни тутишга кўмаклашган болани – ўз ўгилчасини отиб ташлаган Матео Фальконе образи). Аммо Тарас Бульбанинг бу жихатдан эсда коларли жихати шундаки, у ёв томонга ўтган навкирон ўгли Андрийни жанг чогида тутиб, отиб ўлдиради.

Айнан шу жихати билан Тарас Бульба «Ёвга асир тушган ўзининг солдат ўглига душманнинг офицерини алмашмайдиган» Сталин замонида ҳам, ундан кейинги зўраки патриотизм даврида ҳам эътикод, юрт озодлиги учун курашчиларнинг тимсолига айланган. Масалан, Абдулла Каххор бу образга баҳо бериб: «Гоголнинг зехнимда умрбод қолиб кетган образларидан бири Тарас Бульба бўлди: барваста, бакувват, иродаси темир, ўртоқларига меҳрибон, душманга беомон бўлган бу чол кўз олдидан сира кетмайди, ҳамма вақт худди яқиндагина кўрганга ўхшаб тураман. 41-йилда немис босқинчилари Украина тупрогига бостириб кирган қуни, назаримда, Тарас Бульба бакириб, сўкиниб, хиёнаткор ўглини ўз қўли билан ўлдириб, икки ёндан иягигача осилиб тушган мўйлови хиёл титраган холда, қўлига қурол олиб, душманга қарши чиқиб кетаётгандай бўлди», деб ёзган эди (А.Каххор. Ёшлар билан суҳбат, Т., , 1968, 59-60 б.).

Бу образнинг ана шу хислатлари адабиётда аксиома тарзида қабул қилинади. Масалан, Катта Совет комусининг «Гоголь» мақоласида шундай сўзларни ўқиймиз: «Тарас Бульба образида халқнинг қахрамон ўгилларига хос бўлган энг яхши хислатлар – уларнинг ватанга, биродарларига содиқлиги, мардлик, ватан душманларига нафрати, чексиз жасурлиги ва жўмардлиги акс этган. Тарас мазлумларнинг дахшатли қасосқори, ҳақ иш учун курашнинг доно ва тажрибали раҳбари сифатида кўрсатилади. У ўгли Андрийни энг оғир жинояти – ватанга хиёнати учун сира ҳам иккиланмасдан қатл этади. Бу ерда ҳам унинг учун умумий иш, ватан олдидаги бурч туйғуси шахсий ҳиссиётлар, қондошлиқдан юқори қўйилади». (Большая Советская энциклопедия, – М., изд-во «БСЭ», 1952, с. 572).

Гоголшунос олимларнинг Тарас образи ҳақидаги бундай фикрларидан яна қўп иқтибос келтириш мумкин. Аммо барчасининг мазмуни бир хил: Тарас Бульба – рус ва украин халқлари ўтмишидаги мард, жасур, олийжаноб қахрамонларнинг умумлашма образи, улардаги эзгу ва ибратли хислатларнинг барчаси Тарасда мужассам бўлган... ва ҳоказо.

Бизнингча, бундай мулоҳазалар қанчалик асосли, улар учун асарда қанчалик замин бор, буларни яна бир қур ўйлаш, қайта қўриб чиқиш зарар қилмас керак. Биз ушбу мақолада Тарас Бульба образи, у орқали Гоголь қандай гоёни ифодалашни ниёт қилгани борасида анъанавий талқинлардан мутлақо бошқача бир тахминни илгари сурмоқчи

эдик. Албатта, салкам икки аср давомида ўнлаб гоголшунос томонидан яқдиллик билан айтилган, юзлаб дарслик, мажмуаларда такрорланган бояги рух, ўша мазмундаги гапларнинг аксини айтиш, айникса исбот килиш осон эмас.

Мухтарам ўқувчилар буни яхши англаши ва фикримизни тушунишга уришиб кўришларига умид килиб, асар, хусусан Тарас образи тахлилига киришамиз (Шу ўринда «Тарас Бульба» услубини она тилимизда қайта тиклаган Наби Алимухамедовнинг махоратини эътироф этарок, фикрларни далиллаш учун унинг таржимаси матнига таянганимизни айтиб ўтиш керак. Каранг: Тарас Бульба, – Т., «Ёш гвардия», 1976. Кейинги мисоллар шу нашрдан олиниб, саҳифаси кавс ичида кўрсатилади).

«Тарас Бульба», аслида кисса эмас – насрда битилган дoston. Унинг бутун руҳи, охирига кадар мардона бир оханг билан давом этадиган услуби, Сечъ казакларининг эркин ва хур хаёти тасвирланган ўринларида кадим дostonларни ёдга туширувчи оханг-ифодалар, матнидаги ритм бу фикрни далиллайди. Таъбир жоиз бўлса, «Тарас Бульба» – кахрамонлик эпоси.

Худди шу нарса, назаримизда, асар пафосини белгилашда кўпларни чалгитган кўринади.

Нафакат бадий адабиёт, балки бутун санъат тарихидан хам маълумки, айрим буюк санъаткорлар ижодида гоҳо галати бир усул кўлланади. Унинг моҳияти шундайки, муаллиф ўзининг карашларини, асл ниятини қай бир сабаб (асосан, хокимият ёки афкори омма тазйики) туфайли асарда очик ифода этолмайди. Лекин шунга карамасдан, айнан унга ишора қилади ёки асл мақсад-муддаони шундай усталик билан никоблайдики, бирон бир нозир санъаткорни айблашга ожиз қолади. Масалан, мухташам бир мадрасани курган уста унинг девори сиртига хокимнинг исмини ёзади ва бу хоким ўзини абадиятга дахлдор хис қилиб юраверади. Орадан бирон асрча вақт ўтиб, сувок кўчиб тушгач, уста сувок тагига – гишт девор ичидаги кошинкор тоқчага ўз номини ҳеч ўчмайдиган қилиб битиб қолдирганини кўрамыз.

Рассомликда-ку бу хийла машхур усул: чизманинг устки қаватида монийи замон истамаган, аммо давр такозосига кўра мавқеи баланд бир шахс буюк мутафаккирлар даврасида тасвирланган бўлса-да, замонлар ўтиб, устки бўёқ қовжираб тўқилгач, асл киёфа – рассом ўша мунаввар даврага қимни муносиб деб қилган бўлса, ўша кишининг суврати балкиб чиқади.

Хаммага таниш бир мисол: Пушкиннинг «Капитан кизи» киссасида адибнинг Пугачёвга хайрихох муносабатини пайкамаслик мумкин эмас: унинг мардлиги, олижаноблиги, ваъдага вафо килиши, камтар ва одмилиги асар қахрамони бошига тушган воқеалар оркали ишонарли далилланади. Оддий халкнинг унга эхтироми ҳам баралла тасвирланади. Аммо буни ўша давр чигиригидан ўтказиш учун асар қахрамони тилидан Пугачёв «ашаддий боскинчи», «бебош оломоннинг саводсиз бир кўрбошиси», «сохта шох», «безорилар бошлиги» деб аталади. Хатто сарлавха ҳам «Пугачёв кўзгалони» эмас, атайлабдан «Капитан кизи» деб кўйилган. Асар тағматни, рухию мазмуни эса боягидай...

Адабиёт тарихида бундай мисоллар кўп. Жек Лондоннинг ҳам «Кир уларни, кир!», «Бўри ўгли» каби хикоялари борки, сиртдан караганда адиб гўё бетараф, локайд бир позицияда тургандек, аммо тасвирланган воқеалардан, оқ танлилар истило этган Оолонг оролининг туб ахолиси, ё бўлмаса узок Шимолни макон тутган хинду кабиласи кишиларининг ўзига хосликлари, дини топталиб, боскинчиларнинг одамлик киёфасини тамом йўқотган вакиллари энг асл инсонларни қандай хўрлагани хассос бир қалам кучи билан холис чизиб кўрсатилади...

Назаримизда, Гоголь мазкур киссада ҳам шундай йўл тутган.

«Тарас Бульба»нинг сюжетию қахрамонларини ҳамма билади. Шу боисдан, воқеаларни қайта баён қилиб ўтирмай, бевосита муддаога ўта қоламиз.

Тарас – дагал табиатли, ўжар ва дангалчи бир одам. Киевда ўқиб қайтган, бир йил кўришмаган ўғилларини хазил-мазах қилиб кутиб олади. Шўхлиги тутиб, улардан бири Остап билан ўша оннинг ўзидаёқ муштлашиб кетади. Хар икки ўғлининг вояга етиб, диловар пахлавон бўлганини кўргач, уларни дархол Запорожье Сечига – харбий кўналгага олиб бориб, у ердаги биродарлари олдида мактангиси ҳам келиб қолади. Чунки унинг ўзи – бутун умрини уруш-талашлар билан ўтказган, шу жанг-жадалларда бировларни ўлдириб ё талаб олган олтину кумуш билан бойиган бир одам. Бутун ўй-хаёли тиниб-тинчимасликда, харакат ва урушда. Кузатсак, бирон дақика бўлсин, ўй ўйлаш, фикрлаш унга ёт. Аввал уч кундан кейин жўнаймиз, деган одам, сабри чидамай, ўғилларининг келиши шарафига ўша оқшомда берилган зиёфатнинг ўзида эртагаёқ йўлга тушишларини эълон қилиб юборади – эртаси тонг сахарда икки ўғилни тугиб ўстирган шўрлик она, ўғилларини қайтиб кўрмаслигини кўнгли сезибми, зор йиглаб уларни кузатади.

Сечь. Келиб кўрсалар, хамма рохат-фарогатда, айшини суриб яшаяпти. Казаклар машк килади, хунармандлар ишлайди, лекин асосий вақт – вақтихушликка, овга, томошага, муштлашувга сафланади. Остап ҳам, Андрий ҳам бу хаётга боши билан шўнгиб кетади, кунлар шу зайлда ўта бошлайди.

«Лекин кекса Тарас уларга бошка бир касб тайёрламокда эди. Бундай айш-ишрат ва ўйин-кулги билан ўтган умр унинг назарида зое кетгандай бўлар, у хақикий иш истар эди. У доим Сечни мардоналик ишига бошласам, марди майдонлар иш кўрсатадиган бир можаро бошласам, деб ўйлар эди. Нихоят, бир куни аскарбоши олдига келиб, тўппа-тўгри: «Аскарбоши, одамларимиз бир яйрасин», деди.

Аскарбоши огзидаги кичкина трубкасани олиб, ёнига тупуриб ташлагач: «Яйрайдиган жой йўк!» деди.

«Нега йўк бўлсин? Турклар ёки тоторлар устига отлансак бўлади».

Бемалол ўтириб, секин трубкасани яна огзига солган аскарбоши: «Турклар устига ҳам, тоторлар устига ҳам отланишнинг иложи йўк!» деди.

«Нега иложи йўк? ...Ахир у гайридин-ку. Худо ҳам, пайгамбар ҳам гайридинларни уринглар, деган.

...Демак, казакларнинг кучи беҳудага йўк бўлиб кетаверсинми, одамлар тузукрок бир иш килмай бекорга сасиб-чириб кетсинми? Ватанга ҳам, динга ҳам улардан ҳеч қандай фойда бўлмасинми? Бундай бўлса, бизнинг тириклигимиздан нима фойда? Шунини менга уқдириб бер. Сен доно одамсан, бекорга аскарбоши бўлганинг йўк. Менга тушунтир, дунёда нима деб юрибмиз?

Аскарбошига унинг бу саволига жавоб бермади. У ҳам хийла ўжар одам эди. Андак жим тургач, «Нима десанг ҳам, уруш килмаймиз!» деди.

...Бульба дилида: «Шошмай тур, зангарнинг боласи! Танбехингни берай!» деди-да, аскарбошидан ўч олмокни дилига тугиб кўйди» (31-32).

Тарас Бульба фитна тайёрлашга киришади: уруш чикариш учун аскарбошини мансабидан тушириб, бошка одамни кўймаганча иш пишмаслигини пайкаб, маст оломонга таянади: «Тарас у-бу билан сўзни бир ерга кўйиб, хаммага ичирди» (32). Окибатда, Сечдагилар орасида яқдиллик йўколади, жанжал чикади ва катта бир гавгодан кейин Тарас одамлари зўр келиб, Бульбанинг эски ошнаси Кирдюг аскарбоши бўлади. Натижа эса маълум: унинг кўли билан бундай мартабага минган Кирдюг Тараснинг айтганларига кўнмай иложи йўк эди... Гоголь буни бир огиз сўз билан: «Эртаси Тарас Бульба запорожьеликларни бирон ишга кўзгатиш тўгрисида янги аскарбоши билан маслахатлашар эди» (36) дея ифодалайди. Демак, Тарас Бульба дастлабки ниятига

эришади: кимга карши бўлса хам, ишкилиб уруш чикариш, отланиш, урушиш нақд бўлиб қолади. Бунинг учун энди Тарас Бульбадан ортик куч сарфлаш талаб этилмасди.

Кирдюг бу «маслахатлашув»дан сўнг бир соат ичида бутун Сечни йигиб, уруш бошлашга олиб келган сабабларни бир оз андавалагач, лўнда килиб: бойиш учун бошка бирон юртни талаш керак, хозир анча кашшоклашиб колдик, хатто, ибодатхонамиз хам гарибгина, демак, лоакал «ёшларнинг ўзини кайикка ўтказиб жўнатсак дейман. Наталия бўйларини бир алгов-далгов килиб келсинлар» (38) дейди. Аммо бутун Сечь жойидан кўзгалади, урушга тайёргарлик кизиб кетади, тез орада аллакимлардан эшитилган бир игвога учиб, Гетман юрти деб аталган Польшага юришга отланишади, ундан аввал эса, жухудлар бизни хонавайрон килди, деган яна бир галва чикариб, жами яхудийларни тутиб, сувга чўктиришга киришиб кетишади – катлиом бошланади.

Мухтарам ўқувчининг ёдидан чикмаган бўлса, асарнинг бирон жойида Гоголь польшаликларнинг ё татарларнинг, турклар ёки яхудийларнинг, Тарас таъбирича, «христианлар»га, яъни казакларга ёки уларнинг юртига нисбатан бирон бир хуружини кўрсатмаган.

Шу тарика, запорожьеликлар мохир идеолог, ашаддий бузгунчи Тарас Бульбанинг куткуси билан йўлга отланиб турганларида аллакайдан бировлар: «Бизни польшаликлар хароб килди» дея «ёрдам» сўраб келиб қолишади (асарда бу гапнинг ростлиги тасдиқлаб кўрсатилмаган). «Наталия»дан (Туркия Онадўлиси) воз кечиб, гарбга йўл олишади («тез орада Польшанинг гарби-жанубий кисми бошдан-оёк вахима ичида колди» – 47) – уруш бошланади. Асосий муддаоки киргин килиб, тинч ахолини талашдан иборат бу бебош карокчиларни хеч ким тўхтата олмас эди. «Аксари улар кутилмаган жойлардан чикиб қолиб, бор-йўқни вайрон қилар, қирон келтирар эдилар. Кишлоқларга ўт тушар, аскарлар хайдаб кетиш имкони бўлмаган молларни шу ердаёқ сўяр эдилар. ...У вахший замонда запорожьеликларнинг қилган бедодликлари энди одамларнинг тепа сочини тик тургизар эди. Гўдақлар киргини, кўкраги кесилган хотинлар, тиззасигача териси шилиниб, кўйиб юборилган одамлар, хуллас, бу каби вахшатлар кўп эди» (48).

Бу урушда Тарас Бульба каби эски карокчилар ўз уйида юргандек ва ўз касбини давом эттираётгандек бўлса, илгари бундай баттолликларни кўрмаган ёшлар хам хох-нохох зулм қила-қила ўзларида янги сифатлар ортттиради – уларнинг юзига золимлик нукси-мухри урилади: «Якиндагина темирканот чикариб, учирма бўлган кушлардек бир ой ичида чиникиб, тамомила ўзгарар ва вояга етар эдилар. Шу чоккача юзларида йигитларга хос бўлган юмшоклик зохир бўлиб турган кишилар юзида энди бир дахшат, салобат, ўзларида куч кўринар эди» (49). Тарасга эса худди шу нарса керак эди – мана

шундай дахшатли одамлар билан у истаган бузгунчиликка, вайронкорликка кўл ура олар эди.

Ана энди асосий «ов» бошланади: «Аскар тўппа-тўгри Дубно шахрига караб юришга қарор берди; овоза гапларга караганда бунда мол ва хазина, давлатманд бойлар кўп эди» (50). Эътибор беринг: асосий муддао – ҳеч қанака дин-пин химояси эмас – бойликни талаш. Шахар камал қилинади. Бир неча ойлик камал натижасида тинч аҳолининг кўпи очликдан қирлиб кетади, фақат ҳокимнинг оиласи, оз сонли аскарларгина сўнги умидларига таяниб, жон саклаб туради.

Аммо зулм – фақат мазлумлар учун эмас, золимларнинг ўзи учун ҳам ҳалокатли. Камал қилиб, шаҳарни ўраб олган казаклар маънан тамомила айнишга юз тутаяди: «Бекорчиликдан зерикиб, атроф-теварақдаги қишлоқларни талон ва торож қилишга, экин ва хирмонларга ўт қўйишга, ўроқ тегмаган бугдойларни молларга оёқости қилишга тутиндилар; ...яхши унган, қўқариб турган бугдойларга йилқиларни қўйиб юбордилар» (51).

Камал, очлик шиддати зўрлигидан шаҳар ҳокими қизининг оқсоқи таваққал қилиб тунда лаҳм орқали қелиб, Андрийга шаҳар ҳокимининг фарзандидан – бир вақтлар Киевда унинг оромини ўғирлаган соҳибжамолдан салом етқаяди. Андрий ҳам лаҳм орқали шаҳарга ўтиб бориб, қиз билан топишайди, қилаётган ишларининг мудҳиш натижаларини – ўз тирикчилиги билан юрган тинч шаҳар аҳолисининг дахшатли очлик ва азоб-уқубат ичра ўлим топаётганини ўз қўзи билан қўради, буларга қай айби учун мунча зулм қилинган, дея мулоҳаза қилади (ёдингизда бўлса, Андрий аввалдан ҳам Остап қаби шартқи эмас, онасига тортган, мулоҳазали эканини Гоголь бот-бот эслатиб туради). Ва Андрий бир қарорга қелади – севган малиқаси ва беғуноҳ аҳолини химоя қилиб, ўз дўстларига қарши қурол қўтаришга қазм этади.

Оқибати эса маълум: Тарас ўғлини жанг маҳали қачалак ичида тутиб олиб, отиб ўлдиради – ота ўз қўли билан зурриётини йўқ қилади.

Аммо Тарас бу билан тўхтамайди. Ўз фарзандини ўлдиришдай мудҳиш ва аянч бу воқеа унга ҳеч бир таъсир қилмайди – дарҳол отланиб, яна қиргинбарот ичига қириб кетаверади.

Тарасни нима ёқи қандай қуч олға ундаб, ҳаракатга қелтиради? Унинг гоёси, ҳаётдан мақсад-муддаоси нима?

Эътибор килсак, Тарас нуткида икки нарса: дин ва ватанни химоя килишга кўп ургу берилади. У ўзини христиан динининг оташин химоячиси, ватаннинг халоскори килиб кўрсатади. Аммо бутун асар давомида Тарас Бульба бирон марта бўлсин, черков-перковга кириб ибодат килганини, ё бўлмаса, локал ёлгиз колган бирон махали христианлик тўгрисида ўйлаганини, ёки христианга хос бирон хатти-харакат килганини кўрмаймиз, унинг бутун эътикоди – огизда. Дин унинг учун уруш очишга бир бахона, холос. Христианлик йўлида килган энг катта хизмати шуки, худди православлар каби христиан хисобланган католик черковларини ёкиб, кулини кўкка совуради, ўзлари каби славян бўлган полякларни талайди, уй-жойини, шахру кишлогини вайронага айлантириб, ўзларини кириб ташлайди.

Ўзгалар ватанини вайрон килган одамдан ўз ватанини обод килишни кутиш мумкинми? Тарас ватанпарвар бўлиб казаклар юрти Запорожье ва умуман, Россияю Украина учун нима килди?

Хеч нима! Ўз кишлогиди жўнгина тирикчилигини ўтказиб, осуда яшаётган тобе одамларининг хаётини остин-устун килиб, ясовул Товкач билан ортидан етиб боришларини буюрди. Ва уларнинг хаммаси, битта хам колмай, жанг йўлларида ўлиб кетди. Демак, Тарас факат Польшадаги тинч ахолининг азоб чекиб халок бўлишидагина эмас, ўн минглаб казакларнинг дарбадарликда ўлишида хам айбдор: ватанини гулллатиши, оиласи багрида, хаётдан рози бўлиб яшаши мумкин бўлган одамлар беҳудага ўлиб кетди. Улар, худди ўзлари каби тинч яшаши мумкин бўлган одамларни кириш, сахар ва кишлокларни горат килиб, уйларга ўт кўйиш, экинзорларини пайхон килиш асносида ўлим топди.

Шу ўринда ўгли Остапнинг у бошлаган ишларга муносабатини хам айтиб ўтиш жоиз. Остап мард ва диловар йигит. Энг зўр тилаги – жангда ботирлик кўрсатиш. Уруш масаласида эса ўз фикри йўк, отаси айтганини, атаманлар буюрганини килади. Факат, жангда асир олингач, бир неча ой бандилик азобини чеккач, ўзлари очган уруш – ўйин эмаслигини, килган ишлари марди майдонлик эмас, гунохи азим эканлигини, бу эса жазосиз колдирилмаслигини англайди, отаси уни мудхиш бир киморда довга тикканини тушуниб етади... Варшаванинг катл майдонида суякларни мажаклаб синдириллар экан, ўлими олдида «кўзлари жовдираб тўрт томонга каради. Холдан кетиб, дармонда бўлиб, ночор ва нотавон: «Отам! Каердасан? Эшитаяпсанми?» деб кичкириб юборди» (134). Эътибор беринг, Остап отасига – бу майдонда бўлиши етти ухлаб тушга кирмайдиган Тарасга хитоб килади. Беҳудага эмас, бу ўлим олдидаги фарзанднинг уни чохга итарган отага таънаси эди. Ха, пировардида Остапнинг кўзи очилди, очилганда хам жовдираб очилди, аммо... энди кеч эди.

Бирок мудхиш килмишларининг ажри-жаззасини олган аламзада Тарас шунда ҳам тийилмайди, яна фитналар чиқариб, янги киргинбаротларга бошлаш учун Сечга тагин кайтиб келади.

«Теварак-атрофга караса, эски кадрдон биродарларидан ҳеч ким колмапти. Сечдагилар барчаси янги одамлар. Хакконият, дин ва кардошлик садагаси бўлганлардан ҳеч ким колмапти. Аскарбоши билан бирга тоторларни кувалаб кетганлардан ҳам аллақачон ҳеч ким колмапти. Хаммалари бошларини эгиптилар, хаммалари халок бўлиптилар. Гохлари жангда мардона ўлим топиптилар, гохлари Кримнинг шўртоб саҳроларида ташналик ва очликдан нобуд бўлиптилар, гохлари бандиликнинг шармини, хор-зорликни кўтаролмай ўлиб кетиптилар. Аввалги аскарбоши ҳам аллақачон ўлиб кетипти. Эски ёр-биродарлардан ҳеч ким колмапти, бир замонларда кайнаб тошган казак кучи аллақачон ер бағрига кириб, устини ўт босиб кетипти» (116).

Буларнинг барчаси Тарас отли ашаддий бузгунчи бошлаган ишнинг натижаси эди. Аммо у шуларни кўриб ҳам тийилмайди. Тагин кўшин йигади ва бир юз йигирма минг казак кўшинининг саккиздан бирига бошлик бўлади. Тарас мана шу каллакесарлар ичида ҳам энг баттарини эди: «Унинг кексайган ёши, кўп иш кўрганлиги, кўшинга йўлбошчилик килишга усталиги, душманга қаҳри хаммадан ортиклиги уни бошқалардан ортик ва мартабасини баланд киларди. Унинг берахм ва бешафкат баттоллиги хатто казакларнинг ўзларига ҳам хаддан ташқари кўринар эди. Унинг сочи оқарган боши факат ўт билан дорни билар эди, холос. Аскарбошилар ўтиришиб кенгашиганда унинг берадиган маслахатлари ҳам факат йикмок, ёмок, кирмок, кийратмок эди» (136).

Бу берахмлиги, ашаддий мурасасизлиги туфайли у яна кўшиндагилар билан чиқишолмайди ва кўл остидаги аскарларини ажратиб олиб, Польшага, вайрон килиш ва кириш учун йўл олади: «Тарас кўшини билан бирга Польшада сайр килиб юриб, ўн саккиз равогга, киркка яқин поляк бутхонасига ўт кўйиб, Краков шаҳрига яқинлашиб колди. Кўп лахларни кирди, кўп яхши сарой ва қасрларни вайрон килди, талон-торож этди... Тарас доим: «Сира аяманг, ҳеч нарса аяманг!» дер эди, холос. Казаклар қоши қора, сийнаси тухумдек оқ гул юзли кизларни ҳам аямадилар; муқаддас жойларга қочиб сигинганларида ҳам омон топмадилар, Тарас уларни сигинган бу муқаддас жойлари билан бирга кўшиб қуйдирди. Қанча-қанча оқ билаклар аланга ичидан чиқиб, дод-фарёд билан кўкка кўтарилди; бу дод-фарёдлардан ер ларзага келар, саҳродаги ўт-алафлар тоқат килолмай бўзлар эди. Аммо берахм казаклар бу нолаларни писанд килмадилар, қайтага додловчиларнинг болаларини ҳам кўча-қўйдан тутиб, найзага илиб, ўтга ташладилар» (139).

Бу энди ҳеч бир қасос эмасди, ўгли Остапнинг халок бўлгани учун ўч олиш ҳам эмасди, бу – одамнинг одамийликдан чиқиши, ваҳший бир махлуққа айланишидан бошқа ҳеч бир нарса эмас эди.

Тарас шу сохта динпарастлигию ватанпарварлиги билан охири нимага эришди?
Етишгани нима бўлди ўзи унинг?

Гоголь айтганидек, «эски ёр-биродарлардан ҳеч ким колмапти (хаммаси кирилиб битган), бир замонларда кайнаб тошган казак кучи аллақачон ер багрига кириб, устини ўт босиб кетипти (миллат фаторат топган)». Хўш, Тарас Бульбанинг ўз и-чи, бу ишдан у нима топди? Икки азамат ўгилни тугиб ўстирган муштипар она хор-зорликда кўз юмди, Андрийни унинг ўзи отиб ўлдирди, Остап банди килиниб, Варшавада дахшатли кийноққа солиб катл этилди. Ўзи эса ярадор бўлиб, бир ўлимдан колди. Буларнинг барчаси унинг кўз ўнгида юз беради. Охирги «сафар»ида у билан бирга бўлган ўн беш минг аскар ҳам кирилиб, ўн-ўн бештагина одам кочиб кутулади, ўзи бўлса кўлга тушади, қуриган катта бир дарахтга парчинланиб, остидан ўт ёкилади. Аммо уруш, талончилик ва киргин кон-кониға сингиб кетган бу одам ана шунда ҳам бузук эътиқодидан қайтмасдан, дарё бўйидаги кайикка тушиб кочиб кетаётган казакларга қараб: «Келаси кўкламда яна келиб бир сайил (боскин – З.И.) килиб кетинглар» (142) деб бакиради. Бу унинг охирги сўзи, васияти, бузгунчилик даъвати эди.

Запорожье Сечига мансуб одамлар қаерларда ўлим топганининг ўзиёқ, уларнинг ватан ва дин химоячиси эмас, балки динни баҳона қилиб юрган ашаддий боскинчи эканини кўрсатади: «Шаркий Россиянинг завкли-шавкли ерларидан келган барча пахлавонлар бир-бирлари билан ўпишиб, хол-ахвол сўраша кетдилар: «Косьян нима бўлди? Бородавка қалай? Клопер қалай? Подситка нима бўлди?» Тарас бу саволларига: «Бородавка Толопанда осилди, Колопернинг Кизкирманда терисини шилдилар, Подситканинг боши тузланиб, Царьградга юборилди» деган жавобларни олди. Кекса Тарас бошини куйи солиб: «Яхши одамлар эди!» дерди» (26). Кўрамизки, Тарас айтган бу «яхши одамлар»нинг хаммаси ўзга юртларда, боскин ва талон чогида ўлим топган.

Сечь – боскинчилар лагери. Буни Гоголь очик-равшан айтиб ўтади: «Бу ерга келган ҳар бир кимса бор-йўгини унутар, миясини машгул этган икир-чикирларни орқага ташлар эди. Бу ерга келган одам ўзининг ўтмишига тупурар эди, десак ҳам бўлади... булар орасида қаерда бўлса ҳам жанг қилмокни ўзларига улуг бир маслак қилиб олган, ўзини одам деб билган мард кишиларнинг урушмасдан жим ётишини уят ҳисоблаган ва кўпни кўрган партизанлар ҳам анча бор эди» (27-28). Тарас ва у қабиларнинг жанги жадалларда юришдан топадиган нарсаси – бировларни зор қилдириб кўлга киритиладиган мол-дунёдан ўзга нарса эмас. У бундан ор ҳам қилмайди («Янкель дарров рўмол олиб (Тарас берган) тилланинг устига ёпди. Тилланинг биттасини кўлига олиб, айлантириб томоша қилгач, тишлаб кўриб: «Ажаб бир тур тилла экан, вой, вой, жуда галати тилла экан! Бундай олтинни жанобингиз қимдан тортиб олган бўлсалар ҳам, боёқиш бир соат ҳам дунёда турмасдан ўша ондаёқ ўзини дарёга ташлаб, чўкиб кетгандир!» деди. 119-120).

Тарас Бульбанинг энг катта «ютуги» – уста нотиклиги. У одамларнинг дилидаги энг нозик ва энг калтис туйгу – диний ва миллий хисларни кўзгатиб, жунбушга келтира олади. Тараснинг уруш бошлашни рад этаётган аскарбошига хитоби унинг хатти-харакатларини оклаши учун «асос» бўлиб хизмат килади. Бу далил содда одамлар учун жуда жўяли ва фидокорона туйилади: «Казакларнинг кучи бехудага йўк бўлиб кетаверсинми, одамлар тузукрок бир иш килмай, бекорга сасиб-чириб кетсинми? Ватанга хам, динга хам улардан хеч кандай фойда бўлмасинми? Бундай бўлса, бизнинг тириклигимиздан нима фойда? Дунёда нима деб юрибмиз?»

Тараснинг назарида, ватан ва дин учун фойда етказишнинг йўли битта – уруш. У казакларни тўплаб, вино таркатишга амр килади ва хаммани йигиб, хитоб килади: «Кани, ўртоқлар, ичайлик, бирданига ичайлик, аввало, мукаддас динимиз ривожи учун ичайлик, динимиз бутун дунёга ёйилсин, ер юзида ёлгиз бизнинг динимиз бўлсин, барча гайридинлар христиан бўлсинлар! ...Кани, биродарлар, дин учун ичайлик, дин учун!» (98).

Аммо Гоголь диний хиссиётларни жунбушга келтириш кандай окибат билан тугашини шу асарнинг ўзидаги куйидаги парчада жуда равшан кўрсатиб ўтадики, шунинг ўзи ёзувчининг Тарас Бульба сингари «ватанпарвар» кишиларга, уларнинг аъмолига муносабатини яққол кўрсатади, деб ўйлаймиз: «Рус тупрогида дин йўлида килинган урушлар таърифиди маълум ва машхур. Мавж уриб, хар доим ўзгариб, турланиб турган денгиз ўртасидаги юксак тош нақадар кудратли, нақадар дахшатли бўлса, дин хам шундай кучли, шундай кудратли. Денгиз ўртасидаги азамат тош денгиз каяридан чикиб, яхлит бир тошдан яратилган гавдасини кўкларгача юксалтиради. Кайси томондан каралса хам тош кўринади, у олдидан чопишиб ўтиб кетаётган тўлқинларни писанд килмай тура беради. Унга келиб теккан кеманинг шўри курсин! Майда-майда бўлади, ичида нимаси бўлса, сувга гарк бўлади, йўк бўлади, халок бўлганларнинг дод-войидан хавода бир ларза қолади, холос» (136).

Демак, Гоголнинг фикрича, диний масалани ўртага кўйиб бошланган хар кандай уруш аянчли натижа билан тугайди, бу урушга кирганнинг тақдири денгиздаги қояга келиб урилган кема ахлининг тақдири билан бир хил – барча халок бўлади.

Балким Тарас Бульба образиди хақидаги бу мулохазаларимиз у хақда хозирга қадар фақат яхши фикрда бўлиб келганларга алланечук туйилар, балким у адабиёт сахнасидаги энг олижаноб қахрамонлардан бири бўлиб қолаверар хам, аммо хаётда

Тарас сингарилар – унинг прототиплари хар бир миллат учун турган-битгани фожиа. Бундайлар канча катта салохиятга, канчалар зўр иродага эга бўлса, шунчалик ёмон.

... Тарихнинг ажабтовурлигини карангки, дин – инсоният учун энг азиз ва мукаддас кадрийат, хаммани ва хар бир одамни хамиша тинчликка, сабр-бардош, мурса ва токатга ундаб келган бу бебахо таълимот барча замонларда уруш чикаришга энг зўр бахона бўлиб келган. Башарият ўзини англаганидан бери хисобга олинган уруш ва киргинларнинг аксари «динни химоя килиш – мукаддас бурч» деган шиор билан бошланган.

Нега шундай?

Бунинг сабаби равшан. Диний туйгу факат инсонга хос. Инсонгагина хос тушунчаларнинг хам энг юксак, энг теранларидан бири. Дин одамнинг нафакат онгига, балки аввало калбига таъсир килади. Энг теран, энг олий туйгуларни уйготади, оламнинг яратилиши ва одам боласининг дунёга келиши, хаётидан максад-муддаоларини талкин этади. Дин эътикодга айлангач эса, инсон ўз дилидаги бу бебахо жавхар – иймоннинг факат кучайишини, мустахкамланишини истайди, уни бузишга, ўзгартиришга ёки йўкка чикаришга интилган хар кандай кучга карши беомон курашади. Бу йўлда у хамма нарсадан, хатто жонидан воз кечиши мумкин. Зеро инсонда диний эътикоддан кучли туйгу бўлмайди. Киши, айтайлик, мол-дунёсидан, соглиги, энг якинлари – бола-чакаю ота-онасидан ва хатто киндик кони томган ватанидан айрилишга рози бўлиши мумкин, аммо динидан воз кечолмайди. Демак, дин – инсон учун энг улуг, энг мукаддас нарса, у ўртага кўйилган махалда кишининг иккиланишига йўл колмайди.

Уруш очувчилар эса инсон рухиятидаги ана шу энг нозик, жуда калтис жихатдан фойдаланишади. Худди шунинг учун хам Запорожье Сечи гуриллаган XVII-XVIII асрлардагина эмас, хатто XXI аср бошида хам динни рўкач килиб, унинг «хурмати»га уруш чикарувчи сохта фидойилар хануз учрайди.

Бир замонларда машхур саркарда ё воизлар асосан зўр жанглар олдидан барча аскарларга карата нутк сўзлаб, уларнинг руhini тетиклаштиришга, «гайридин» ёвга карши газабини орттириб, энг огир, тахликали дамда хам куролни ташламайдиган даражадаги фидойиликка тайёрлаган бўлса, махфий урушлар авж олган хозирги даврда бундай «ташвикот» нафакат бирон бир террорчилик хужуми олдидан, балки хар куни, хар соатда такрорланади ва бу муттасил таргибот ўз ишини килади – одам бир кун келиб ашаддий гоypараст бўлиб колади, олмон адиби Хенрих Манн ибораси билан айтганда, «содикфукаро»га айланади.

Нафакат динда, хатто сиёсатда ҳам шундай. Узокка бормай, муттасил таргибот туфайли фашизм куткусига учиб манкуртга айланган нацистлар ёхуд утопик гоё билан умр ўтказган коммунистларни эсласак, шунинг ўзи кифоя.

Аммо дунё маърифатчилик давридан ўтиб, яна теологик карашлар майдонга чиккан, бир қисм одамлар ортодоксал дин конун-қоидаларидан чекиниб, турли «хизб» ва «...ий» отли оқимларга ихлос қўйиб, баъзилар хатто аллақандай шарпалар, мархумлар руҳи билан мулокот, «ўзга сайёрага бориб келиш»га қадар хурофотларга ишона бошлаган ҳозирги даврда дунёнинг айрим ҳудудларида соф заминий мафкуралар ўрнига яна «дин химоячиси» никобидаги ҳарбийлашган сиёсий партиялар юзага калкиб чикди.

Улар динни давлат тепасига келиш, чексиз ҳокимиятга эга бўлиш, беҳисоб бойлик орттириш қуроли килиб олган. Ва бунга эришиш учун энг осон йўл ҳам топганлар – одамлар дилига эътикод сингдириш орқали улар ўлимга тик борадиган фидойига айлантирилади. Фақат махсус тайёрланган китобларни муттасил ўқитиш ёки ваъз билан чекланмай, эртаю кеч тинмай, гоёвий таъсир ўтказишнинг барча турларини ишга солиб, янги остаплар – ота қўксига мушт уришдан тап тортмайдиган манкуртлар тайёрланади.

Эртаю кеч уқтирилиб, минг хил йўл билан онгга сингдирилаётган гоёлар бир қуни пишиб етилади – жангарилик, террорчилик эътикодига айланади. Бундай эътикодга ўтган гўл одам эса – тайёр зомби, бу йўлда жонини ҳам аямайди.

Ҳозир жаҳоннинг бу ҳавфдан холи нуктаси қолмаган. Бундан хориж бўлиш, тинч ва хотиржам ҳаёт тарзини вужудга келтириш учун эса онги ўзгартирилган кишиларни эмас, балки уларнинг дилига сингган мудҳиш гоёни махв этиш лозим.

Гоёга қарши гоё билан қурашиш керак, деган сўзни мен ана шундай тушунаман.

Онгга сингиб, эътикодга айланган гоёни инсон шууридан ситиб чиқариш осон ва жўн нарса эмас. Унинг ўрнига янги, соғлом, инсоний ва инсонпарвар бир дунёқарашни қабул қилдириш эса ундан ҳам қийин. Зеро гоё – одамнинг моҳиятини ташкил этади.

Эътикодни алмаштириш бир одамдан бошка бир одамни ясаш демак.

Адашган, янглиш йўлдаги ёшлар орамизда хар холда тўрттагина эмаслигини эътиборга олсак, камалиб, амнистия туфайли озодликка чиккан жиноятчилар учунгина эмас, балки аввало мана шулар учун муайян реабилитация маркази – тинч хаётга кайтариш мактаби ташкил этиш керакка ўхшайди. Ва бундай мактабда хак йўлдаги диний уламолар, файласуфлар, психологлар, малакали педагоглар, сиёсатшунослар, ёзувчилар... катнашиши, очик, эркин фикрлашиш, лозим бўлса – бахслашиш, хар кандай карашларни диний, илмий, хаётий ва мантикий томондан далиллаб, мисоллар асосида исботлаш, кўрсатиш, таккослаш имконини бериш, инонтириш каби усуллар воситасида уларни гўл бир мухолифликдан... фаол тарафдорга айлантириш лозим бўлади. Бунда, турли жангари окимларга кўшилиб колган, аммо хукумат сиёсатидан кўркканидан кечирим сўраб, ноилож тинч хаётга кайтганларнинг «махалла олдида тавба килгани» кўпам зарил эмас, балки уларнинг жангари акидадан сидкидилдан воз кечиши мухим.

Лев Толстой айтган эдики, «Одамларнинг хаётига караб, ишларига караб унинг Худога ишониш-ишонмаслигини билиб бўлмайди... Диний эътикоддини биронта вақтинчалик, ўткинчи максадга эришиш воситаси килиб олган одамлар аслида уччига чиккан динсизлардир. Негаки, бундай одамлар учун дин хаётда муайян марраларга эришиш воситасидир» (каранг: «Хуррият» газ., 1999, 6-12 янв.).

Гоголнинг Тарас Бульбаси билан хозирги тарасбульбалар шу жихатдан бир хил. Чунончи, дунёнинг кай бурчагидан бўлишидан катъи назар, улар хамиша дин ва миллат гамидан дам урадилар. Холбуки, уларнинг дини хам, миллати хам йўк. Улар учун дин хам, миллат хам – бозорга солиниб, эвазига хокимият ва катта бойликка эришиш воситаси, холос.

XIX аср бошида Петербургда яшаган рус ёзувчиси Н.В.Гоголь «Тарас Бульба» киссасида XVII-XVIII асрда Европанинг жануби-шаркида бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлаган. Аммо карангки, замонлар ва маконларнинг хилма-хиллигига карамай, террорчиликнинг мохияти, усул ва услублари деярли бир хил экан!

Ягона фарк – Тарас Бульба ўз жангариларини Запоржье Сечида машини пишитиб, ўзга элларни (турклар, тоторлар ё поляклар...) талашга етакласа, «замонавий Сеч»да – аллакайси тогнинг ёруг оламдан пинхон бирон ўнгуридаги жангарилар лагериди камолга етган хозирги тарасваччалар ўз ватанига, киндик кони томган тупрогига боскинчилик уюштиради.

1834 йилдан бошлаб тарих бўйича адъюнкт-профессор лавозимида хизмат килган ва асосан Жанубий Россия ўтмиши билан обдон шугулланган Н.В.Гоголь Запороже Сечи каби кароргохларнинг мохиятини теран англаган бўлиши турган гап. Ва бизнингча, адиб «Тарас Бульба» киссасини кадимги рус руhini улуглаган баходир бир казакни мадх этиш максасида эмас, балки ўз она халқини хам, бошка элларни хам горат килган,

одамларга бехисоб зулм ўтказган бадкор бир карокчининг сохта динпарварлиги нималарга олиб келганини кўрсатиш ниятида яратган, шу оркали XVII-XVIII асрлардаги Россия тарихига ўз муносабатини бадиий йўсинда, эҳтиёткорлик билан ифодалаган.

Тўгри, асарда Тарас Бульба нуткига хамоханг туйиладиган ўринлар ҳам мавжуд. Шу боис, «Тарас Бульба»нинг асл мазмуни, ёзувчининг бадиий ниятини дафъатан пайкаш кийин. Зеро Гоголь ҳам Тарас Бульбадай «дин ва миллат фидойилари»нинг ёвузлигини ўз даврида худди Пушкин сингари факат ишорат тили билан баён кила олар эдики, бунинг сабаблари ҳаммага тушунарли. Хакикий маъно бадиийлик бўёги остига яширилган. Аммо юкорида келтирилган айрим мисоллар шундан далолат берадики, адибнинг гражданлик позицияси аниқ ва катъий: айрим устумонлар содда одамларнинг диний ва миллий хиссиётларини кўзгатиб, буни ўз манфаати йўлига буриши, окибатда минг-минглаб одамларнинг беҳуда курбон бўлиши тарих мисолида келажак авлодлар учун ибрат килиб кўрсатилган.

Пировардида яна адабиётшуносликка кайтиб, бу фан нуктаи назаридан бир саволни ўртага кўйиш ўринли бўлса керак, деб ўйлаймиз: хўш, мана шундай сифатларга эга бўлган Тарас Бульбани... “ижобий кахрамон” деб аташ мумкинми?

Йўқ. Зеро “ижобий кахрамон – муаллифнинг ахлокий кадриятлари акс этган адабий персонаж” (Лит. энциклоп. словарь. – М., 1987, с. 286). Улуг Гоголнинг маънавий-ахлокий карашлари Тарас Бульба киёфасида акс этмайдигина эмас, унга тамоман карама-каршидир.